

## НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИ ВА УНГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

**Абдурайимов Улуғбек Бахрамович**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги БТОМ тингловчиси

Республика иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия ресурсларига бўлган талабини тўлиқ қаноатлантириш, нефть-газ корхоналарини молиявий соғломлаштиришни таъминлаш, шунингдек, умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва энг яхши хорижий тажриба асосида тармоқда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бу корхонанинг инвестицион жозибаторлигига боғлиқ.

Инвестициялар ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланиб, уларнинг жалб қилиниши даражаси билан иқтисодиёт ҳолатига баҳо берилади.

Саноат корхоналари олдида доимо долзарб бўлиб турган вазифа – бу иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқаришда барқарор ўсиш суръатларига эришиш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш орқали даромад ҳажмини ошириш.

Ушбу вазифаларга эришиш даставвал капитал қўйилмаларни корхонага йўналтиришни, бунинг учун эса инвесторлар ёки кредиторларда корхона жойлашган минтақа, мамлакат, ҳудуддаги инвестицион муҳит ва энг асосийси корхонанинг иқтисодий имижига ҳақида ижобий ҳулоса шакллантиришни тақозо этади.

Инвестицион муҳит молиявий қўйилмалар жозибаторлигининг маълум бир даражасини яратувчи ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа шароитлар мажмуадир.

Инвестицион муҳитнинг кўп даражали характери унинг мамлакат, минтақа, иқтисодиёт тармоқлари даражасида баҳоланишини билдиради. Агар хорижий инвестор учун мамлакат рейтингига қатъий аҳамиятга эга бўлса, минтақа ва тармоқ рейтингига хорижий ҳамда маҳаллий инвесторлар учун муҳимдир.

Ушбу тушунчани янада аниқроқ талқин этувчи таърифлар ҳам мавжуд. Бироқ кўпинча инвестицион муҳитни олдиндан белгилаб берувчи инвестицион рисклар эътиборга олинмайди. Шу боис молия-кредит

энциклопедик луғатида келтирилган таъриф энг тўғри ва тўлиқ деб айтилмоқда. Унга кўра, инвестицион муҳит омиллари 1-жадвалда келтирилган омиллардан иборат.

**1-жавдал**
**Инвестицион муҳит омиллари<sup>1</sup>**

<b>Иқтисодий омиллар</b>	Маҳаллий ҳокимият ваколатлари, қонунчилик ва жамият тузилмаси барқарорлиги, ҳокимиятнинг турли сиёсий гуруҳ ва партиялар ўртасида тақсимланиши, халқаро муносабатлар ҳолати, қонунчилик базасининг ривожланиш даражаси, инвестицияларни кафолатлаш ва ҳимоялаш механизмлари мавжудлиги, бирор-бир соҳага инвестиция киритишнинг ҳуқуқий шартлари
<b>Ижтимоий омиллар</b>	Аҳоли турмушининг ижтимоий шароитлари, ижтимоий кескинлик даражаси, ижтимоий низолар мавжудлиги, ижтимоий соҳанинг ривожланиш даражаси
<b>Молиявий омиллар</b>	Ҳудудий бюджет ва корхона молиялари ўртасидаги мувозанат даражаси, солиққа тортиш тизими, тўлов балансининг ҳолати ва минтақадаги корхоналарнинг рентабеллиги
<b>Ресурслар ва хомашё омиллари</b>	Минтақанинг табиий ресурслар билан таъминлангани
<b>Меҳнат омиллари</b>	Меҳнат ресурслари мавжудлиги ва уларнинг малака даражаси, меҳнат ресурсларининг касбий-малакавий даражаси
<b>Ишлаб чиқариш омиллари</b>	соҳа мутахассислиги хусусиятлари, ишлаб чиқариш учун керакли ресурслар мавжудлиги ва жойлаштирилиши
<b>Инновацион омиллар</b>	Илм-фаннинг ривожланиш даражаси, минтақадаги ИТТ ютуқларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аҳолининг интеллектуал ва таълим даражаси

<sup>1</sup> Берзон Н. Формирование инвестиционного климата в экономике. Вопросы экономики. 2001 год, 116-120-стр.

<b>Инфратузилмавий омиллар</b>	Минтақанинг худудий-географик ҳолати, инфратузилманинг ўзлаштирилиши, минтақанинг ташкил этилиши ва хавфсизлиги, телекоммуникация тизимлари ривожланиши, инвестицион инфратузилмалар мавжудлиги, бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг ривожланиш даражаси
<b>Экологик омиллар</b>	Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси, минтақадаги табиий-иқлим шароитлари
<b>Коррупциоген омиллар</b>	Ҳокимият тузилмасининг коррупциялашгани, минтақадаги жиноятчилик даражаси

Бозор иқтисодиёти шароитида, барқарор ва иқтисодий салоҳиятга эга бўлган инвесторлар инвестиция қилинаётган давлат, минтақа, корхона ёки лойиҳа қачонки юқори иқтисодий самара бериши ҳақида қатъий ишонч ҳосил қилгандагина ўз маблағларини инвестициялаш учун қарор қабул қиладилар.

Тажрибадан маълумки, инвесторлар жуда талабчан ва қатъиятлидир, яъни хорижий инвесторлар муайян давлат иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни киритишда мамлакатларнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини ифодаловчи “Doing Business” (Жаҳон банки), “Global Competitiveness Index” (Бутунжаҳон иқтисодий форуми), “Fragile States Index” (Тинчлик учун жамғарма), “Economic Freedom Index” (Хайратеж фонди, Фразер институти) каби индекслар асосида қарор қабул қиладилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда хорижий инвестициялар ва умуман чет эл капиталини жалб қилиш ва уларнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш бўйича бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ҳамда уларни такомиллаштириш борасидаги ишлар амалга оширилмоқда. Хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, уларни ўз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан республикани 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт Стратегияси тасдиқланди. Мазкур Стратегиянинг асосий мақсади - жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш, шунингдек, 2022-2026 йилларда стратегияда белгиланган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлашдир.

Стратегияга кўра 2030 йилга бориб, Ўзбекистон Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича дунёнинг энг илғор 50 та мамлакати таркибига киришни режалаштирмоқда. Тараққиёт 81 та кўрсаткич бўйича баҳоланади, улар халқаро ташкилотлар рейтинг ва тадқиқотларида акс этади. 34 та кўрсаткич бўйича стратегияни амалга ошириш давомида мамлакат ўз ҳолатини сезиларли даражада яхшилашни режалаштирмоқда, 47 та кўрсаткич бўйича ютуқдарни баҳолаш эса умуман, биринчи марта ўтказилади. Баҳолаш давлат қурилиши, инсон капитали ва тадқиқотчилик фаолияти, инфратузилма, бозорлар, бизнес, илм-фан ва технологиялар, ижодий натижалар бўйича амалга оширилади.

Нефть-газ соҳасида фаолият юритаётган корхоналар фаолиятининг самарадорлиги дунё давлатлари иқтисодиёти учун энг муҳим стратегик йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу соҳанинг тараққий этиши нафақат молиявий-иқтисодий балки, ижтимоий, маданий ҳамда гуманитар соҳаларнинг ҳам тараққий этишида чуқур аҳамият касб этади.

Аксарият хорижий мамлакатлар иқтисодиётининг қисқа, ўрта ва узок муддатли даврда барқарор ривожланиши нефть-газ корхоналарининг барқарор ривожланиш тенденциялари билан бевосита боғлиқ бўлиб, кўп ҳолларда ҳатто ўзаро мутаносибликка эга бўлади.

Нефть-газ саноти корхоналари фаолиятининг натижадорлиги иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан ташқи бозорга сезувчанлик даражасининг юқорилиги, нарх ўзгариши, геосиёсий вазият, иқлим ўзгаришлари каби омиллар билан бевосита боғлиқлиги билан ажралиб туради.


Бу, ўз навбатида, корхоналарда инвестицион фаолият таҳлили методологиясини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда тизимли тадқиқ этиш лозимлигини англатади. Ҳар қандай таҳлил мунозарали ва муҳокама талаб жараён саналади. Иқтисодий таҳлил – бу маълум бир хўжалик юритувчи субъект иқтисодий алоқаларини тавсифловчи ҳамда ушбу фаолият йўналишларини аниқ белгилаш ва хулосалар чиқариш имкониятини юзага келтиришга хизмат қиладиган имконият яратувчи методлар, усуллар мажмуасидир.

Иқтисодий таҳлил қатор хўжалик алоқаларида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш, бу жараён таҳлилида алоҳида метод, услуб, йўналишлардан самарали фойдланган ҳолда мақсадли вазибаларни белгилаш ва аниқланган муаммоларни барҳам топтиришдан

иборатдир. Бундай ёндашув реал воқеликнинг илмий тадқиқ усуллари анализ ва синтезнинг бирлигига асосланади.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ мисолида корxonанинг инвестицион жозибadorлиги ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлилини кўриб чиқсак.

Маълумки, нефть-газ корxonалари инвестицион фаолияти самарadorлиги корxonанинг рентабеллиги ва акцияларини котировкалаш (капиталлаштириш), жорий молиявий кўрсаткичлар нисбатида дебиторлик қарз мажбуриятларининг улуши, корxonанинг кредиторлик рейтинги даражаси каби қатор кўрсаткичлар билан тавсифланади.



### 1-расм. Корxonаларда инвестицион жозибadorликка таъсир этувчи асосий омиллар

Ўз навбатида, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда баҳолаш жараёнларини аниқлаштириш, лойиҳанинг молиявий самарadorлигини баҳолашга йўналтирилган чора-тадбирларни шакллантиришда молиявий коэффициентлар таъсирини таҳлил қилиш билан боғлиқ жараёнлар нефть-газ корxonалари инвестицион фаолиятининг молиявий механизмини амал қилиш самарadorлиги ва уни такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ этиш заруриятини юзага келтиради.

Шунингдек, ўрта ва узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий принциплари инвестиция фаолияти объекти (шунингдек инвестиция лойиҳаси билан боғлиқ активлар) фаолият самарadorлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики “Ўзбекнефтгаз” АЖ инвестицион жозибadorлигини ошириш мақсадида қуйидаги омилларга бирламчи эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- молиявий менежментни фаол ташкил этиш ҳамда молиявий кўрсаткичлар барқарорлигини таъминлаш;

- корпоратив бошқарув тамойилларини самарали жорий этиш;
- корхонанинг халқаро кредит рейтингини олиш ва унинг барқарорлигига эришиш;
- молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш;
- кадрлар салоҳиятини ошириш;
- ишлаб чиқаришни ва конларни рақамлаштириштириш;
- корхонанинг операцион фаолияти эҳтиёжлари учун зарур бўладиган маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, материаллар, ишлар ва хизматлар харидининг шаффофлигига эришиш;
- фонд бозоридаги иштирокни фаоллаштириш ва бошқалар.

Ривожланган мамлакатларда ҳар қандай етакчи компаниялар ўз эгаллик ҳуқуқини сақлаб қолиш, уни бошқариш ва мулкчилик муносабатларини мужассамлаштириш учун қулай муҳит яратиш, корхона инвестицияларни жалб этувчанлик даражаси, кўшимча акциялар чиқариш ва узоқ муддатли қимматбаҳо қоғозларни бозор қийматидан қатъий назар сотиш жараёни натижаси IPO кўрсаткичи орқали белгиланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, корхонанинг ушбу йўналишдаги навбатдаги амалга ошириши лозим бўлган масала – бу устувор инвесторларни жалб этиш ҳамда корхонанинг инвестиция муҳитини такомиллаштириш масаласига тармоқ даражасида усувор аҳамият қаратиш ҳамда тармоқни узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш бўйича асосланган стратегияни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони.
2. Астанакулов О.Т., Корхоналар инвестицион фаолияти таҳлили: назария ва амалиёт, “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2019 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг расмий ахборот сайти [www.ung.uz](http://www.ung.uz) статистик маълумотлари, <https://www.ung.uz/pages-uz/investitsion-loyihalar.php>.
5. Берзон Н. Формирование инвестиционного климата в экономике. Вопросы экономики. 2001 год, 116-120-стр.